БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ҚИЗИЛ ЎЗБЕКИСТОН

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«КИЗИЛ УЗБЕКИСТАН» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

43-йил чиқиши
№ 234 (11.983)

Пайшанба, 5 октябрь 1961 йил.

Баҳоси 2 тийин



ПАХТА ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШ СУРЪАТИНИ КУЧАЙТИРИШ—ПАРТИЯМИЗ СЪЕЗДИГА ЭНГ ЯХШИ СОВҒА

ЙИЛЛИК ПЛАН ПАРТИЯ СЪЕЗДИ ОЧИЛИШИГАЧА БАЖАРИЛАДИ

БУХОРО, (ЎзТАГ). Бухоро областидаги элликдан ортиқ колхоз давлатга пахта сотиш йиллик плани бажарилганлиги ҳақида 17 октябргача рапорт бериш учун мусобақалашмоқда. Қоракўл районидаги илғор «Октябрь» колхози ҳозирдаёқ тайёрлов пунктига 5.200 тоннадан ортиқ «оқ олтин» жўнатди ва йиллик планни 80 процент бажарди. Колхоз кунига планнинг 2,5 процента миқдорида пахта тайёрламоқда.

Колхоз ва совхоз далаларига 250 га яқин пахта териш машинаси чиқарилди. Яқин кунларда ўтган йилдагидан икки баравар кўп, яъни 700 агрегат ишлай бошлайди. «Зангори кема»ларнинг механик-ҳайдовчиларидан юздан ортиқ киши мавсумда 170-200 тонна пахта териш учун мусобақалашмоқда.

Бухоро области қишлоқларининг меҳнаткашлари «оқ олтин»нинг дастлабки юз минг тоннасини давлат омборларига етказиб бердилар. Улар партия XXII съезди очиладиган кунгача 250 минг тонна пахта теришга аҳд қилдилар.

ШУ КУННИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ:

РЕСПУБЛИКАДА ҲАР КУНИ 2—2,5 ПРОЦЕНТ ПАХТА ТОПШИРИШГА ЭРИШАЙЛИК.

ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИДА ҚАМИДА 1 МИЛЛИОН 300 МИНГ КИШИ ИШТИРОК ҚИЛИШИ КЕРАК.

МАШИНАДА 600 МИНГ ТОННА ПАХТА ТЕРИШ ЮЗАСИДАН ОЛИНГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТНИ БАЖАРИШ УЧУН 8615 ТЕРИМ АГРЕГАТИНИНГ ИККИ СМЕНАДА ТЎХТОВСИЗ ИШЛАШИ ТАЪМИНЛАНСИН.

ТЕРИЛГАН ВА ТОПШИРИЛГАН ПАХТА ТЎҒРИ ҲИСОБГА ОЛИНСИН, БИР ГРАММ ҲАМ ПАХТА НОБУД ҚИЛИНМАСИН ВА СОРТИ БУЗИЛИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАСИН.

ТЕРИМЧИЛАР ВА ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ ПАХТАНИНГ ОЧИЛИШИГА ҚАРАБ ҚАРТАЛАРГА ТЎҒРИ ТАҚСИМЛАНСИН.

ҲАМ АРЗОН, ҲАМ ҚУЛАЙ УСУЛ — ПАХТАНИ ҚОП-ҚАНОРСИЗ ТАШИШ УСУЛИНИ КЕНГ ҚЎЛЛАНАЙЛИК. БУ УСУЛГА МОСЛАНГАН МАВЖУД АРАВАЧА ВА АВТОМОБИЛЛАРНИНГ ҲАММАСИ ИШГА ТУШИРИЛСИН.

МЕҲНАТ УНУМДОРЛИГИНИ ЭНГ ЮҚОРИ ДАРАЖАГА КЎТАРАЙЛИК. ТЕРИМЧИЛАРГА МАДАНИЙ-МАИШИЙ ХИЗМАТНИ ҲАР ТОМОНЛАМА ЯХШИЛАЙЛИК. ҲАММА ЖОЙДА ИССИҚ ОВҚАТ ТАШКИЛ ЭТИЛСИН, КОЛХОЗЧИЛАРГА ВА СОВХОЗ ИШЧИЛАРИГА МЕҲНАТ ҲАҚИ ЎЗ ВАҚТИДА БЕРИБ БОРИЛСИН.

ПАХТАКОР ДЎСТЛАРИМГА

Ғафур ҒУЛОМ

Олтин куз фаслининг ёқимли офтоби Ватанимиздаги ҳамма ерда баббаравар қўли очиқлик билан саҳоват нурларини сочиб турибди. Дала-тузнинг баракали кенгликларида кундалик ҳаётимизнинг забардаст қалби уриб турибди. Бунчалик тўкин кузни яқин ўртада кўрганимни эслай олмайман. Йиллар-ку, йиллардан яхши, ўтган ҳар йил Коммунизм қуриш йўлидаги улуғ курашимиз тарихида қалъалар очган қаҳрамонлар номи билан бир қатор — бир ғишти олтин, бир ғишти кумушдан қурганимиз гигантларда ўзини қайд қилиб, шону шуҳратимиз орқа таянчи бўлиб қолади.

Аммо бу йилги йил бошқача келди. Бу йилнинг мазмунини шу сўзим бағрига сиғдира олиш қўлимдан келмас. Бу йил бизни коммунизмга олиб бораётган шонли етти йиллигимизнинг учинчи йили. Бутун эса, коммунизм қураётган шонли етти йиллигимизнинг бир минг ўнинчи куни. Бу йил «Партия XXII съезди» номидаги жарҳовда биринчи гигант — Сталинград ГЭСининг ишга тушган йили. Бу йил — одамзод тарихида инсоннинг юлдузлар оламига учган йили. Бу йил — шонли Ленин партияси Коммунистик партиямизнинг XXII съезди чақирилган йил. Бу съездда коммунизм асрининг улуғ Программаси — яъни инсониятнинг бахт-саодат программаси тасдиқ қилинадиган йил.

Ҳой, ватандошларимиз, биз қандай бахтиёр одамларимиз. Хайрият, ўзимиз ҳақимизда, ўзимиз ҳаётимиз ҳақида, ўзимиз ҳаётимиз ҳақида, ўзимиз ҳаётимиз ҳақида

XXII СЪЕЗДОЛДИ МИНБАРИ

КПСС ПРОГРАММАСИ ВА УСТАВИ ПРОЕКТЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

КОММУНИЗМ КИШИСИНИ ТАРБИЯЛАШ — ИДЕОЛОГИЯ ИШИМИЗНИНГ ЭНГ МУҲИМ ВАЗИФАСИ

Давримизнинг буюк ҳужжати — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг янги Программаси проектида мамлакатимизда коммунистик қурилишнинг барча асосий вазифалари ниҳоятда пухта ва равшан кўрсатиб берилган.

Партиямиз меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масаласига алоҳида аҳамият бермоқда.

Коммунизм ғалабаси учун курашда идеология ишлари тобора қудратли факторга айланмоқда.

«Жамият аъзоларининг онглилиги канча юқори бўлса — дейилади Программа проектида, — уларнинг коммунизм моддий-техника базасини яратишда коммунистик меҳнат формаларини ва кишилар ўртасидаги янги муносабатларни ривожлантиришдаги ижодий активлиги шунча тўла ва кенг ривожланади ва, бинобарин, коммунизм қурилиши вазифалари шунча тез ва муваффақиятли ҳал этилади».

Омманинг сиёсий ва меҳнат активлиги, онглилиги ва уюшқоқлигини бутун чоралар билан янада ошириш — мамлакатимизни тараққий эттиришнинг етти йиллик планида ва яқин йигирма йилга мўлжалланган перспектив пландa кўрсатилган топшириқларни муваффақиятли суратда амалга оширишнинг зарур шартидир. Бу эса идеология ишининг кўламини ҳар качонгидан ҳам кенгроқ ва чуқурроқ олиб боришни талаб этади.

Коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш соҳасидаги вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш янги одамни, коммунистик жамият кишисини вояга етказиш масалалари билан чамбарчас боғланган.

Янги одамнинг вояга етиши коммунизм қурилишида актив иштирок қилиш процессида, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётда коммунистик негизларни ривожлантириш процессида, партия, давлат ва жамоат ташкилотлари олиб борадиган бутун тарбиявий иш системасининг таъсири остида юз беради. Ижтимоий тузилишнинг коммунистик формаларини яратиш жараёнида турмушда, меҳнатда, кишилар ўртасидаги муносабатларда коммунистик ғоявийлик тобора кучлироқ ва мустаҳкамроқ ўрнашиб боради, коммунизм неъматларидан оқилона фойдалана билиш вужудга келади.

Юксак моддий-техника базасини вужудга келтиришдаги муваффақиятлар ўз навбатида идеология ва тарбиявий ишларимизнинг савиясига ҳамда кўламига боғлиқ бўлади, бу ишларнинг жамият ҳаётидаги роли ва аҳамияти узлуксиз ортиб боради.

Н. С. Хрушчев ўқитувчиларнинг Бутунроссия съездида айтганидек, «Агарда биз совет кишиларини ўқитиш ва тарбиялашда орқада колсак, бу нарса коммунизм қурилишидаги ҳамма ишга муқаррар суратда халақит беради».

Меҳнаткашларнинг коммунистик онглилигини ошириш ишчилар, колхозчилар, интеллигенциянинг ғоявий-сиёсий жиҳатдан янада жипслашувига, уларнинг коммунистик жамият меҳнаткашларининг ягона коллективига тобора бирлашиб боришларига ёрдам беради.

Партиямиз коммунистик қурилишнинг туб масалаларини ўзига хос ташаббускорлик, сергайратлик ва ишчанлик билан ҳал эта бориб, совет кишиларининг маънавий ўсиши, юксак коммунистик онглилик руҳида тарбия олиши ҳақида катта ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Партия жуда катта ташкилотчилик ва идеология ишини амалга оширар экан, асосий эътиборни реал ҳаётдаги ҳодисалар ва процессларни умумлаштиришга қаратмоқда, кишиларни коммунистик руҳда тарбиялашнинг ҳал қилувчи негизи бўлган совет воқелигимизга таянмоқда. Социалистик ҳаётимизнинг ўзи оммани тарбияловчи улуғ устоздир. Мамлакатимизда ҳукм сураётган фидокорона жўшкин меҳнат вазияти совет кишиларида коммунистик жамият кишисига хос бўлган хислатлар, фазилатлар ва одатларни тарбияламоқда.

Меҳнатдаги коллектив ижодкорлик процессида совет кишиларида шундай фазилатлар қарор топадики, бу фазилатларни бутун чоралар билан ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, шу тарика бу фазилатлар совет кишиларининг турмушига, кундалик ҳаётига сингиб боришига, совет кишилари маънавий киёфасининг ажралмас хислатлари бўлиб қолишига эришмоқ керак. Коммунистик меҳнат зарбдорлари ва коллективларининг: коммунистчасига ўқиймиз, ишлаймиз ва яшаймиз, деган шиори мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар учун намуна бўлиб хизмат қилиши лозим.

Кун сайин бизнинг ҳаётимизда совет кишисининг юксак маънавий киёфага эга эканлигидан далолат берувчи жуда кўп катта ва кичик воқеалар содир бўлмоқда. Халқ дружиналари, жамоатчилик судлари, трамвай ва троллейбусларнинг кондукторсиз ишлаши, сотувчисиз магазинлар, иш ҳақини кассир иштирокисиз тўлаш — буларнинг ҳаммаси янги, коммунистик жамиятнинг куртакларидир.

Бизнинг бурчимиз — турмушимиздаги янгилик, илғорлик куртакларини бутун чоралар билан пропаганда қилиш, омманинг мулкига айлантириш, ижобий намунанинг қудратли тарбиявий кучидан тўлатўкис фойдаланишдан иборат.

Саноат ва кишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги ҳамда халк хўжалигининг бошқа тармоқларидаги илғор тажрибаларни пропаганда қилиш меҳнат тарбиясининг ғоят таъсирчан формасидир. Сўнгги йилларда бу соҳада қувонтирарли ўзгаришлар рўй берди. Энг муҳими шуки, илғор тажрибани пропаганда қилиш ўзининг амалий, ишлаб чиқариш-техника аҳамиятини сақлагани ҳолда яққол идеологик, тарбиявий мазмунга эга бўлиб қолди.

Н. С. Хрушчев КПСС Марказий Комитетининг январь Пленумида ишлаб чиқариш новаторларини машъаллар деб атади. Биз ана шу машъалларга тенглашишга даъват этар эканмиз, совет кишисининг характеридаги янгиликни — коммунистик келажак кишисининг қиёфасига хос бўлган фазилатни кўрсатиб бермоғимиз керак.

Кишиларни меҳнатда тарбиялаш уларнинг ҳаёти ва турмушидаги ҳамма томонларни ўз ичига олади, шу сабабли буни жисмоний меҳнат қилишга жалб этишдангина иборат деб тушуниш нотўғридир. Бу тушунча жамият бахт-саодати учун қилинадиган меҳнатда иштирок этишнигина эмас, шу билан бирга ўз ўртоқларига, кишилик жамияти нормаларига, ижтимоий мулкка тўғри муносабатда бўлишни, коллективизмни, коммунистчасига яшай билишни, ўтмиш сарқитларига қарши муросасиз курашишни ҳам ўз ичига олади. Ғап совет кишиси ички дунёсининг маънавий жиҳатдан ҳар тарафлама бойиб бориши, у жамият олдидаги ўз ижтимоий бурчини чуқур тушуниб олиши тўғрисида бормоқда.

Кишиларни меҳнатга онгли, коммунистик муносабатда бўлиш, социализмнинг «ишламаган тишламайди» деган принципига қаттиқ риоя қилиш руҳида, коллективизм ва ўртоқларча ўзаро ёрдам руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамиятга эга эканлиги Программа проектида ҳам алоҳида уқтириб ўтилди.

Коммунизмга ўтиш даврида маънавий бойлик, ахлоқий софлик ва жисмоний камолатни ўзида гармоник ҳолда мужассамлаштирган янги инсонни тарбиялаш имкониятлари ўсиб боради. Программа проектида коммунизм қурувчисининг ахлоқ кодекси бирма-бир баён қилиб берилган.

Партия бу олижаноб принципларни кишиларнинг қон-қонига сингдириб юбориш, уларнинг шахсий эътиқодларига, коммунизм қурувчилари маънавий қиёфасининг муҳим хислатларига айлантириш вазифасини қўймоқда.

Совет кишиларини коммунистик руҳда тарбиялаш ўтмишнинг улар онгидаги сарқитларига: хусусий мулкчилик тенденцияларига, меҳнатга ва ижтимоий мулкка ҳалол муносабатда бўлмаслик, худбинлик ҳамда ижтимоий бурчни менсимаслик, диний бидъатлар ва миллатчилик қарашлари, сиёсатдан ўзини четга олиш, маданиятсизлик кўринишларига ва буржуа тузумидан мерос бўлиб қолган бошқа кўринишларга қарши муросасиз кураш олиб бориш процессида амалга оширилади.

Ўтмиш сарқитлари коммунизм сари илгарилаб боришимизга халақит беради. Мана шунинг учун ҳам Ватанимиз коммунистик жамият қурилишини кенг авж олдирган, коммунизмнинг маънавий шарт-шароитларини ҳозирлаш, янги одамни вояга етказиш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб қолган ҳозирги пайтда партиямиз ўтмишнинг айрим совет кишилари онгидаги сарқитларини узил-кесил тугатишни жуда кескин вазифа қилиб қўймоқда.

Хусусий мулкчилик қолдиқларига қарши курашда қонунларимиз кучидан, шунингдек ижтимоий таъсир кўрсатиш кучидан, идеология, тарбиявий ишнинг барча воситаларидан тўла фойдаланишни тақозо қилади. РСФСР Олий Совети Президиуми яқинда «Ижтимоий фойдали меҳнатдан бўйин товлаб жамиятга зарарли, текинхўрларча турмуш кечираётган шахсларга қарши курашни кучайтириш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бизнинг республикамизда ҳам худди ана шундай Фармон қабул қилинди. Бу ўтмиш сарқитларини ташувчиларга нисбатан курашда қудратли қуролдир.

Шу билан бир қаторда ижтимоий таъсир кўрсатиш кучидан фойдаланиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Партия ва бошқа жамоат ташкилотлари шу мақсадда меҳнат қилиш меёри ҳамда истеъмол қилиш меёри устидан жамоатчилик контролини кучайтиришнинг турли формаларини кенг қўлланмоқдалар, чунончи, жамоатчи контролерлардан, халқ дружиналаридан, ўртоқлик судларидан фойдаланиб, ишёқмаслар, таъмагирлар, чайқовчилар ва юлғичлар теварагида кенг жамоатчилик фикрини вужудга келтирмоқдалар. Жамоатчиликнинг роли, унинг таъсир кўрсатиши, жамиятга зарарли ножўя ҳаракатларни ўртоқларча қоралаш буржуа қарашлар, одатлар ва қилиқларни таг-томири билан тугатишнинг аста-секин асосий воситаси бўлиб боради.

Партия жамоат фондларининг аҳамиятини тушунтиришга катта эътибор бермоқда. Чунки жамоат фондлари кишиларнинг фаровонлиги юксак даражада бўлишини таъминлаш, меҳнат ва истеъмолнинг коммунистик нормаларини ўрнатишнинг энг самарали ва ишончли йўлидир. Социализм шароитида шахсий манфаатлар билан ижтимоий манфаатларнинг бирлигини, ҳар бир кишининг фароғати умуман жамиятнинг фаровонлигига боғлиқ эканлигини, ҳар бир кишининг муваффақияти ҳамманинг муваффақияти эканини муттасил тушунтириш — бутун ғоявий-тарбиявий ишларимизнинг муҳим вазифасидир.

Партия XXI съезди социалистик демократия ривожланиб ва чуқурлашиб борган сайин совет жамиятининг ҳаёт кечириш фаолиятини тартибга солиб туриш методларида ҳам муҳим ўзгаришлар рўй беради, деб муҳим назарий хулоса чиқарди. Зўрлаш ва маъмуриятчилик методлари иккинчи ўринга ўтиб қолади, ишонтириш методлари тобора катта аҳамиятга эга бўлиб боради.

Жамоатчилик асослари ҳаётимизнинг турли соҳаларида борган сари катта роль ўйнамоқда. Жамоатчилик асосларида конструкторлик бюролари вужудга келтирган ураллик инженерлар билан техникларнинг ажойиб ташаббуси Ўзбекистон саноат корхоналарида қўллаб-қувватланди. Бу ташаббус инженер-техникларнинг техника тараққиёти учун курашда жамоатчилик асосларида кенг иштирок этишида, ишчиларни саноатнинг ривожланишига доир муҳим масалаларни ҳал этиш учун жалб этишга ёрдам беради.

Давлат органлари бажараётган кўпгина функциялар, масалан, жамоат тартибини таъминлаш ва социалистик жамият қондаларини бажариш масалалари аста-секин жамоат ташкилотларининг ихтиёрига ўтиб бормоқда.

Хотин-қизлар Советлари хотин-қизларни ишлаб чиқаришга жалб этиш, уларни ижтимоий ҳаётга тортиш йўлида катта ишларни олиб бормоқдалар.

Тошкент шаҳар Октябрь районининг маҳаллаларида медицина пунктлари ташкил этилмоқда. Маҳаллаларда истиқомат қилувчи врачлар кўнгилли равишда беморларга хизмат кўрсатишмоқда, медицина маслаҳатлари ва ёрдам беришмоқда.

Кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш юзасидан район кўнгилли жамиятлари тузилиб, жамоатчилик кучи билан клублар, чойхоналар қурилмоқда.

Коммунизм сари илгарилаб борганимиз сайин жамиятимизда кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни маъмурий йўл билан тартибга солиб туришнинг роли камаяверади, маънавий асосларнинг аҳамияти эса тобора орта беради. Давлатнинг барҳам топишига уни бутун чоралар билан мустаҳкамлаш йўли билан борилгани каби, давлат томонидан белгиланган ҳуқуқ-нормаларнинг барҳам топишига ҳам социалистик ҳуқуқ-тартиботларни янада мустаҳкамлаш, барча давлат муассасалари ва гражданларнинг қонунчиликка жуда қаттиқ риоя қилиши йўли билан борилади. Жамиятнинг барча аъзоларида совет қонунларига нисбатан ҳурматни, ҳуқуқ нормаларини бажаришга нисбатан чуқур эҳтиёжни тарбиялаш ва уни одатга айлантириш — коммунистик тарбиянинг энг муҳим вазифаларидан биридир.

Социализм ва коммунизмнинг ўз умрини яшаб бўлаётган капиталистик системага нисбатан буюк афзалликларини пропаганда қилиш, коммунистик идеологияни, экономикамиз, фанимиз, маданиятимизнинг жаҳоншумул-тарихий ғалабаларини пропаганда қилиш, ҳозирги замон буржуа идеологиясининг реакцион моҳиятини фош этиш — коммунистик тарбиянинг таркибий қисми ҳисобланади.

Партия совет кишиларини пролетар интернационализми руҳида тарбиялашга алоҳида эътибор бериб, меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлигини мустаҳкамлашга бутун чоралар билан ҳаракат қилмоқда.

Совет ватанпарварлиги ва социалистик интернационализм барча мамлакатларнинг ишчилар синфи меҳнаткашлари билан пролетар бирдамлигини узвий равишда ўз ичига олади.

КПСС XXII съезди материалларини ўрганиш ва кенг пропаганда қилиш бутун идеология ишимизда муҳим даврни ташкил этади. КПСС XXII съездининг тарихий ҳужжатларини ўрганиш коммунистлар ва партиясизларнинг коммунистик қурилиш улуғвор вазифалари ҳамда қонуниятларини тағин ҳам аниқроқ тушуниб олишларига ёрдам беради, уларнинг коммунистик онглилигини, меҳнат ва сиёсий активлигини юксалтиришга ёрдам беради.

Совет халқи Коммунистик партия раҳбарлигида ҳаётнинг ҳамма соҳаларида кенг ва ягона бир фронтга бирлашиб коммунизм сари бормоқда. Ижтимоий ҳаётнинг айрим соҳалари ва тармоқларидагина эмас, балки кенг фронт бўйлаб содир бўлаётган кескин юксалиш — совет жамиятининг илдам тараққиёти учун характерлидир. Совет кишиларининг маънавий ўсиши, коммунизм кишисини тарбиялаш бу тараққиётда жуда муҳим ўрин тутади.

Ғ. НАЖИМОВ.



Суратда: (чапдан ўнгга) КПСС XXII съездининг делегатлари. 1. Бухоро область, Свердлов район партия комитетининг биринчи секретари М. САМАДОВА. 2. Намангандаги шойи тўқиш фабрикасининг ходими М. КАМОЛОВА. 3. Самарқанд область, Оқдарё район партия комитетининг биринчи секретари М. ҲАСАНОВА.

И. Глауберзон фотоси.

ОБЛАСТЬ ГАЗЕТАСИ САҲИФАСИДА

КОММУНА Газета саҳифаларида КПССнинг янги Программаси ва Устави проектларига бағишланган анчагина ўқимишли, мазмунли назарий мақолалар, ахборотлар, хилма-хил материаллар босилиб турибди. Меҳнаткашлар ўз хат-хабарларида партиямизнинг бу тарихий ҳужжатларини қизғин маъқуллаш билан унда белгиланган улуғвор вазифаларни муддатидан илгари бажариш учун бутун куч ва ғайратларини сарф этажакларини айтмоқдалар.

Газета яқинда **«Коммунизм — Совет ҳокимияти плюс бутун мамлакатни электрлаштиришдир»** деган шапка остида махсус саҳифа берди. Бунда нур яратувчилар партиямизнинг тарихий ҳужжатларини маъқуллаш билан уни бойитишга қаратилган ўз таклиф ва мулоҳазаларини ҳам баён қилдилар.

Коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун ҳаракат қилаётган Фарғона подстанцияси цехи хизматчилари, — деб ёзади Фарғона районлараро электр тармоқлари бошқармасининг инженери ўртоқ А. Железняк. — **4-қурилиш-монтаж бошқармаси ишчилари билан ҳамкорликда Наманган подстанцияси трансформаторини қисқа муддат ичида монтаж қилиб бўлдилар. Натижада подстанциянинг қуввати 7500 киловаттга ортди. Бу электр токи билан 5 та пахта тозалаш заводини ҳаракатга келтириш мумкин.**

Автор майда ва камқувват электростанцияларни йириклаштириш зарурлиги, бу, хўжаликларга катта фойда келтириши ҳақида гап юритиб, бундай деб ёзади:

Колхозлардаги ва коммунал хўжаликлардаги камқувват электр тармоқларини давлат электр тармоқларига бирлаштиришни тезроқ амалга ошириш керак. Қишлоқ электр тармоқларининг давлат электр тармоқларига бирлаштирилиши электр қувватининг доимий бўлишини таъминлайди, иккинчидан, электр энергия арзонга тушади. Исроф бўлиб кетаётган токни тежаш имкониятига эга бўлинади.

Автор ана шу фикрларини КПССнинг янги Программаси проектига киритилишини истайди.

СЕМИНАРДА

Тўрткўл шаҳар партия комитети партия маорифи шохобчаларида янги ўқув йили бошланиши муносабати билан пропагандистлар, колхоз партия комитетлари секретарлари, агитпункт мудирлари ва агитаторларнинг икки кунлик семинарини ўтказди. Семинарда партия маорифи шохобчаларида КПССнинг янги Программаси ва Устави проектларини ўрганиш тартиби ва методи ҳақида кенг фикр алмашилди.

Ш. ҲУСНБОЕВ.

Инсон соғлиғини кўзлаб

ХАЛҚИМИЗ СОҒЛИҒИ — ЮРТИМИЗ БОЙЛИГИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Программа ва Устави проектларида буюк социализмнинг оламшумул тарихий аҳамияти ифода этилди ва унда мамлакатимизда коммунистик жамият барпо этишнинг конкрет йўллари белгилаб берилди. Совет халқи бу улуғвор ҳужжатларни зўр мамнуният ва якдиллик билан маъқуллаётганининг боиси шунда. Программа ва Устав проектларида халқ фикри баён этилган.

Программа проектидаги **«Партия тантанали суратда эълон қиладики, совет кишиларининг ҳозирги авлоди коммунизм даврида яшайди!»** деган оташин сўзлар совет кишиларининг ижодий меҳнатларида, ҳаётларида йўлчи юлдуз бўлиб қолди. Оламшумул аҳамиятга эга бўлган бу ҳужжатнинг ҳар бир сатрида: **коммунизм ва меҳнат, коммунизм ва тинчлик, коммунизм ва кишилар саломатлиги** ажралмас, яхлит бир мазмун эканлиги таъкидланади. Программа проекти бошдан-оёқ инсонга ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Инсон бизнинг социалистик мамлакатимизда ана шундай юксак қадрланади.

«Социалистик давлат, — дейилади Программа проектида, — **бутун аҳоли соғлиғини сақлаш ва доим яхшилаб бориш тўғрисида ғамхўрлик қилиш вазифасини ўз зиммасига олган бирдан-бир давлатдир. Бу вазифа бир қатор социал иқтисодий ва медицина тадбирлари билан таъминланади. Касалликларнинг олдини олиб қолишга ва уларни қатъиян камайтиришга, кўп тарқаладиган юқумли касалликларни тугатишга, умрни янада узайтиришга қаратилган тадбирларнинг кенг программаси амалга оширилади».**

Халқпарварлик, инсонпарварлик, меҳнаткашларнинг соғлиғи, бахти тўғрисида доимо ғамхўрлик қилиш Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг бутун фаолияти давомида амалга ошириб келаётган олий принципидир. Халқ соғлиғини сақлаш юртимизда партия ва давлат аҳамиятига эга бўлган энг муҳим иш ҳисобланади.

Революциядан илгари ҳозирги Ўзбекистон территориясида соғлиқни сақлашнинг аҳволи аҳоли эҳтиёжини сира қондира олмас эди. Медицина ёрдами кўрсатиш ҳам сон, ҳам сифат жиҳатидан ночор эди. Ўлкада авж олган турли юқумли касалликлар ҳар йили минглаб кишиларнинг ҳаётига чанг соларди. Медицина билимидан хабарсиз табиблар, фолбинлар аҳолини вабо, ўлат, чечак, терлама ва бошқа офатлардан сақлашга ожиз эдилар. Айниқса, безгак меҳнаткашларнинг тинкасини қуритар, ришта, трохома уларнинг бошига тушган бало эди. Бу касалликлардан жуда кўп болалар қирилиб кетарди: туғилган 100 гўдакдан 60 таси биринчи йилиёқ нобуд бўларди. Аҳолиси беш миллион бўлган Ўзбекистон территориясида Улуғ Октябрь социалистик революцияси арафасида борйўғи 976 ўринли 64 касалхона, 65 амбулатория ва 33 аптека бўлиб, булар ҳам асосан шаҳарларда ва йирик аҳоли пунктларида жойлашган эди. 1914 йилда соғлиқни сақлаш ишлари учун аҳоли жон бошига атиги 14 тийиндан сарфланган.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси иттифоқимизнинг барча қардош халқлари қаторида ўзбек халқини ҳам мустамлака қуллигидан халос қилибгина қолмай, унга тараққиётнинг барча соҳаларида порлоқ истиқбол йўлларини очиб берди. Ўзбекистонда халқ хўжалигининг бошқа соҳалари каби халқ соғлиғини сақлаш борасида ҳам мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Биринчи навбатда меҳнаткашларга бепул медицина хизмати кўрсатиш йўлга қўйилди, аҳолининг соғлиғини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишда кенг даволаш-профилактика тадбирлари амалга оширила бошланди. Бу ишларни амалга оширувчи малакали медицина кадрлари етиштирилди, ҳозирги замон асбоб-ускуналари билан жиҳозланган даволаш муассасалари, илмий-текшириш институтлари ва олий ўқув юртлари вужудга келтирилди. Партия ва ҳукумат мамлакатда халқ соғлиғини сақлаш йўлида маблағни аямади.

Ҳозирги кунда республикада 71500 ўринли 1106 даволаш муассасаси бор. Булардан 26505 ўринли касалхона ва амбулаториялар қишлоққа жойлашган. Шунингдек, республикамиз қишлоқларида 60 врач амбулаторияси, 3 мингдан ортиқ фельдшер-акушерлик пунктлари ва 301 колхоз туғруқхоналари ишлаб турибди. 8645 ўринли, йил бўйи ишлайдиган 43 та доимий ва 3 та мавсумий санаторий меҳнаткашлар хизматида.

Оналар ва болаларнинг соғлиғини сақлашда жуда катта ишлар амалга оширилди. Бизда она бўлиш жуда фахрли, олижаноб иш сифатида улуғланади, оналарнинг соғлиғини сақлаш масаласига катта эътибор берилади. Республикамизда 429 та хотин-қизлар консультацияси ишлаб турибди, 1614 доимий ясли ва 7302 мавсумий яслиларда 280 мингдан ортиқ бола тарбияланмоқда.

Ўзбекистонда ҳар 10 минг аҳолига 83,8 касалхона ўрни тўғри келади. Бу Туркиядагига қараганда уч баравар, Эрондагидан эса 12 марта ортиқдир. Бизда ўрта ҳисобда 800-900 кишига бир врач тўғри келади. Ваҳоланки, Туркияда 2900 кишига, Покистонда 13.480 кишига, Эронда 8600 кишига бир врач тўғри келади. Бизда олий маълумотли малакали медицина кадрлари тайёрлаб чиқариш тобора кўпаймоқда. Республикадаги тўрт олий медицина мактаби ва 11 ўрта медицина билим юрти ҳар йили юзлаб малакали мутахассислар етиштириб беряпти.

Медик олимларимиз медицинанинг турли соҳаларида тадқиқот олиб бормоқдалар. Республикамиздаги медицинанинг турли соҳаларига оид ўн илмий-текшириш институтида даволаш муассасалари билан яқин алоқада илмий иш олиб борилади. Бу медицина илмий-текшириш муассасаларида 1200 дан ортиқ илмий-педагогик кадрлар бор. Улардан 567 киши медицина фанлари доктори ва кандидатларидир.

Аҳолини дори-дармон билан таъминлаш ҳам соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон территориясида кимёфармацевтика заводи, 437 та дорихона, 2397 та аптека пунктлари ва жуда кўплаб бошқа муассасалар ишлаб турибди.

Юқорида келтирилган фактларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда халқ соғлиғини сақлаш соҳасида эришилган муваффақиятларни кўрсатади. Ўлкада қисқа вақт ичида вабо, чечак, безгак, ришта ва бошқа кўпгина касалликлар тамоман тугатилди. Революциядан илгариги даврга нисбатан республикамизда аҳолининг туғилиши 6 марта, киши умрининг узайиши икки мартадан зиёдроқ кўпайди. Ўлим кескин камайди. Бутун дунё соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотга қараганда 1958 йилда ҳар минг аҳолига ҳисоблаганда ўлим АҚШ да 9,5 Германия Федератив Республикасида 10,8, Англияда 11,7, Францияда 11, Ўзбекистонда эса 6,3 кишини ташкил этган.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети «СССР аҳолисига медицина хизмати кўрсатишни ва унинг соғлиғини сақлашни янада яхшилаш чоралари тўғрисида» қабул қилган қарори инсон ҳақидаги ленинча ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Бу ҳужжат совет соғлиқни сақлаш ходимларининг ишларида жанговар программа бўлди, уларни янгидан-янги муваффақиятларга илҳомлантирди.

Қарорда белгилаб берилганидек, Ўзбекистонда етти йиллик мобайнида врачлар сонини 7300 га, ўрта медицина ходимлари сонини 16500, касалхонадаги ўринлар сонини эса 37500 га ўстириш мўлжалланади.

Касалхоналардаги ўринлар сони аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг асосий кўрсаткичи ҳисобланади. Касалхоналардаги ўринлар сони етарли бўлган тақдирда аҳолига медицина хизмати кўрсатишни янада яхшилаш, санитария маданиятини ошириш ва касалликлар олдини олиш соҳасида кўпгина тадбирларни амалга ошириш учун кенг имконият туғилади.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети республикада касалхона ўринлари ташкил этишнинг етти йиллик планининг икки йилда бажарилишини таъминлашни лозим топдилар. Ўтган йили ана шу вазифани бажариш соҳасида анча ишлар қилинди. Жойлардаги партия, совет ташкилотлари, колхоз правлениелари ва жамоатчиликнинг яқиндан берган ёрдами натижасида пландаги 4950 ўрнига 20 минг 300 касалхона ўрини ташкил этилди, (булардан 11179 таси қишлоқ шифохоналарида). Шундай қилиб, ўтган йили касалхона ўринларининг етти йилликка мўлжалланган плани 65 процентдан ошириб бажарилди. Республикада янгидан 73 дорихона, 227 касалхона, шу жумладан, 35 диспансер, 9 туғруқхона ва бошқа муассасалар ташкил этилди.

Бизда шифохоналар сон жиҳатдан кўпайди, сифат жиҳатдан анча яхшиланди. Даволаш муассасаларида совет медицинаси эришган илғор ютуқлар, фан ва техникамиз янгиликлари кенг қўлланилмоқда. Касалхоналар ва бошқа даволаш муассасалари турли даволаш аппаратуралари билан таъминланди. Ҳозир рентген аппаратураси бўлмаган касалхонани учратиш қийин. Буларнинг ҳаммаси даволаш сифатини яхшилашга, кишилар соғлиғини сақлаш ишини юқори даражада олиб боришга имкон бермоқда.

Халқ соғлиғини сақлаш соҳасида эришган катта ютуқларимизга чет эллик жуда кўп ҳамкасбларимиз ҳам қойил қолмоқдалар. Яқинда Тошкентда бўлиб ўтган иссиқ иқлимли мамлакатларда учрайдиган касалликларга бағишланган халқаро конференция қатнашчилари — чет эллик йирик медицина олимлари ва мутахассислар ютуқларимиз билан танишиб, юксак баҳо бердилар. Халқ соғлигини сақлаш соҳасидаги бу ютуқлар социалистик тузумнинг афзаллигидан далолат берувчи ёрқин намунадир.

Коммунистик партиянинг янги Программа проектида мамлакатимизда коммунизм қурилишининг улуғвор программаси чизиб берилар экан, халқ соғлиғини сақлаш соҳасида амалга ошириладиган ишларнинг кенг истиқболи ҳам ёритиб берилди. Программада таъкидланганидек, медицина фани бошқа табиат фанлари билан ҳамкорликда янада ривожлантирилади. Медицина фани олдига ҳаётнинг моҳияти, ҳаётий процесслар, шу жумладан моддалар алмашувини ўрганиш ва бошқариш, микроорганизмлар сирини ўрганиш ва улардан фойдаланиш, организмларнинг наслдорлиги қонуниятларини ўрганиш ва бошқа муҳим илмий вазифалар қўйилган. Жуда кўп касалликларнинг олдини олиш ва даволаш, киши умрини узайтириш соҳасидаги тадбирларнинг кенг программаси амалга оширилади. Медицина фани ўзининг барча кучини рак, вирус ва бошқа касалликларнинг олдини олиш ҳамда даволашга қаратади. Шаҳар ва қишлоқ аҳолисининг юқори малакали медицина хизматига бўлган ҳамма эҳтиёжи қондирилади.

Мамлакат саноати ва қишлоқ хўжалиги, фан ва маданияти соҳасида эришилган улуғвор муваффақиятларга суянган ҳолда аҳолига медицина хизмати кўрсатишни ва унинг соғлиғини сақлашни яхшилаш, коммунизм қурувчи совет кишиларининг умрини узайтириш йўлида олижаноб ишларни амалга ошириш медицина ходимларининг шарафли бурчидир. Шубҳа йўқки, республикамиз медицина ходимлари коммунизм қураётган совет кишилари билан бир сафда бориб, бу улуғвор ишга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар.

Қ. ЗОИРОВ.

Ўзбекистон ССР соғлиқни сақлаш министрининг ўринбосари.

МЕНИНГ ТАКЛИФЛАРИМ

Мен барча совет кишилари каби КПСС Программаси ва Устави проектларини зўр қизиқиш билан ўрганаётирман. Мен Устав проектига оид ўз таклиф ва истакларимни айтмоқчиман. Янги Устав ҳар бир партия аъзосининг коммунистик қурилишда актив қатнашиши, меҳнатга коммунистик муносабатда бўлишда ўрнак кўрсатиши учун катта имкониятлар очиб беради.

Партия аъзолари орасида меҳнатга ҳалол муносабатда бўлмайдиган, ғайри-қонуний йўллар билан бойлик орттиришга интилувчилар учраб туради. Бундай шахсларга баъзан ўз вақтида қаттиқ чоралар қўлланилмайди. Уларни фош қилишда бошланғич партия ташкилотларининг ташаббусини ошириш лозим. Шунинг учун, Уставда «ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИНИНГ НОЖЎЯ ХАТТИ-ҲАРАКАТЛАРИНИ БИЛАТУРИБ УНИ ЎЗ ВАҚТИДА ПАРТИЯ ЙИҒИЛИШИДА МУҲОКАМА ҚИЛИБ ТАРТИБГА ЧАҚИРМАГАН ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИНИНГ СЕКРЕТАРИ ВА БЮРО АЪЗОЛАРИ ШАХСАН ЖАВОБ БЕРАДИЛАР», деб таъкидланса.

Партиямиз белгилаб берган улуғ Программани амалга ошириш пропаганда ва агитация ишларини янада кучайтиришни талаб қилади. Бу ишда коммунистлар фаол қатнашмоғи керак.

Шу мулоҳазага кўра Уставда: «ҲАР БИР КОММУНИСТ ҚАНДАЙ ВАЗИФАДА ИШЛАШИДАН ҚАТЪИЙ НАЗАР, АҲОЛИ ОРАСИДА ОЙДА БИР МАРТАБА ЛЕКЦИЯ ВА СУҲБАТ ЎТКАЗИБ ТУРИШИ ШАРТ» деб кўрсатилса.

Шунингдек, партия йиғилишлари коммунистлар учун сиёсий мактаб эканлигини назарда тутиб, Уставнинг «Партия аъзолари, уларнинг вазифалари ва ҳуқуқлари» бўлимининг 8-моддасидаги: «УЗРСИЗ САБАБЛАР БИЛАН УЧ ОЙ МОБАЙНИДА АЪЗОЛИК ВЗНОСЛАРИ ТЎЛАМАГАН ПАРТИЯ АЪЗОЛАРИ ВА КАНДИДАТЛАРИ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ЖАЗО УЗРСИЗ САБАБЛАР БИЛАН ПАРТИЯ МАЖЛИСИГА УЧ МАРТА КЕЛМАГАН КОММУНИСТГА ҲАМ ТАДБИҚ ҚИЛИНСИН» деб қўшиб қўйилсин.

Е. ЎРИНБОЕВ,

КПСС аъзоси, пенсионер.
Чиноз райони.

ҲАММА — 3 МИЛЛИОН 200 МИНГ ТОННА ПАХТА УЧУН КУРАШГА!

ҲАР БИР КОММУНИСТНИНГ ЎРНИ ДАЛАДА

КОММУНИСТЛАР ИШ БОШИДА

Шу кунларда Юқори Чирчиқ районининг маркази — Янгибозорга борган киши бир ҳолдан ҳайрон бўлиб, елка қисади: «Тавба, — дейди у, — нега районда ҳеч ким йўқ. Ёки аҳоли бошқа ёққа кўчиб кетганми?». Одатда, район марказларида одам қайнаб ётишини кўриб, шунга кўникиб қолган киши ана шундай дейди. Бу район марказида одам йўқ эмас, бор, лекин бармоқ билан санарлик. Улар ҳам бўлса Тошкентдан Паркентга кета туриб, йўлда бир дам қўнган йўловчилар, ёки шу районнинг колхозларидан жуда муҳим юмиш билан келган кишилар.

Райондаги турли-туман идоралар ҳам сув қуйгандек жимжит. Бир ташкилотда асли 20-25 киши ишлаб келган бўлса, ҳозир унда 4-5 дан ортиқ киши йўқ. Кўпчиликнинг ишини озчилик бемалол ўрнига қўйиб турибди. Район марказининг бозори, ошхонаси ва бошқа маданий-маиший муассасалари ҳам бир-икки соат ишлайди. У жойларда харидор, хўранда бўлмагандан кейин эртадан кечгача эснаб ўтириш бефойда.

Нима гап ўзи, районнинг аҳолиси қаёқда?

Аҳоли кенг далалар бағрида, пахтада!

Биз район марказида бир колхозчини учратдик. Зарур иши чиқиб қолиб, ноиложликдан келган экан.

— Шундай долзарб чоғларда район марказида юриш кишига эриш кўринар экан, — деди у. — Ҳеч кимга кўринмай, колхозимга жўнаб қолмоқчи эдим. Бўлмади. Бир-икки кишига рўпара келиб, тоза ҳижолат тортдим...

Колхозчи йўловчи машинага ўтириб, дарҳол қушдек учиб кетди.

Биз район партия комитетига кирдик. Машинистканинг одатдаги чиқир-чиқири эшитилмайди. кабинетларнинг эшиклари гоҳ очилиб, гоҳ ёпила бермайди. телефонда бўладиган «алло-алло»лар ҳам жуда кам. Райкомда навбатчи ва яна бир-икки ходимдан бошқа ҳеч ким йўқ.

— Райком ходимлари қаерда? — навбатчидан сўрадик.

— Далада!

— Секретарлар-чи?

— Улар ҳам далада.

Коридорга стол, стул қўйиб олган, телефон ёнида ўтириб бизга жавоб-муомала қилаётган навбатчи ёнига шу пайт жомакорини кийган ҳолда бир йигит кириб келди.

— Бу киши райком инструктори ўртоқ Мирҳожи Миралиев, танишинг! — деди бизга навбатчи. — Ўртоқ Миралиев «III Интернационал» колхозида пахта теряпти.

— Қалай, ўртоқ Миралиев, чарчамадингизми?

— Чарчашга ҳам қўл тегмайди, — деб кулди у бизга.

Райкомдаги 8 инструкторнинг ҳаммаси йиғим-теримда. Пропагандист ўртоқ С. Сагиев шу кунгача бир тоннадан кўпроқ пахта терибди. Райком хизматчиси ўртоқ Ф. Султонова бўлса ходимларнинг ҳаммасидан олдинда боряпти. У ҳозиргача хирмонга икки тоннадан кўпроқ пахта тўкибди.

— Ўртоқ Султонова ҳаммамиздан ўзиб кетди, — дейди Миралиев. — У мавсумда яна шундан кўпроқ пахта териб бермоқчи.

Райком ходимлари мавсумда 20 тонна пахта териб беришга аҳд қилганлар. Ҳозир шундан 12 тонначаси хирмонга тўкилди.

Райондаги ҳамма муассаса, ҳамма ташкилот ходимлари зиммаларига шу хил мажбурият олганлар.

Юқори Чирчиқ районининг меҳнаткашлари бундан илгариги мўлжалларида йиллик пахта тайёрлаш планини 15 октябрда, мажбуриятни эса Октябрь байрамигача бажармоқчи бўлган эдилар. Улар ўзларидаги ҳамма имконият ва ички резервларни аниқ ҳисобга олиб чиқиб, бу муддатни бирмунча қисқартирдилар. йиллик планни 9-10 октябрь кунлари, социалистик мажбуриятни партиямизнинг шонли XXII съезди кунлари бажаришга бел боғлаб, ишга янада қаттиқ ёпишдилар. Йиллик пахта тайёрлаш планини 90 процентга етказиб қўйган бу район ҳозир кунига 3 процент ва ундан ошириб пахта бермоқда.

Райондаги колхозлар, совхоз, турли ташкилот, муассаса партия ташкилотларининг фикри-зикри пахта йиғим-теримда, партиямиз Программаси ва Устави проектларидан илҳомланган меҳнаткашларнинг ватанпарварлик ташаббусини янада барқ урдиришда: КПСС XXII съезди шарафига бошланган социалистик мусобақани янада кучайтиришда!

«III Интернационал» колхозига боришимизда районда чиқадиган «Олға» газетасининг редактори ўртоқ Раҳим Довидбеков бизга ҳамроҳ бўлди. У райондаги колхозларнигина эмас, бригада, звеноларни, унинг бошлиқларини, илғор кишиларнинг ҳаммасини яхши билар экан. Ундан нимани сўраманг, дарҳол тўлиқ жавоб оласиз.

— Бу колхоз илгари гектар бошига 10-12 центнердан пахта етиштирар, районда қолоқ ҳисобланар эди. — деди Довидбеков.— Бу йил правлениенинг ишчан раиси Ниёзимбет Нишонбоев, партия бюросининг секретари Жиянбек Оқилбеков, 90 коммунистнинг ҳаммаси, кўп сонли активлар катта ташкилотчилик ва зўр маҳорат билан ишладилар. Натижада колхоз қолоқликдан чиқиб олди.

Ўртоқ Довидбековнинг сўзи тўғри. Дарҳақиқат бу йил колхознинг иши юришиб кетди. Пилла, тухум, жун, ғалла, хашак тайёрлаш планлари анча ортиғи билан бажарилди. Колхознинг 287 гектар олмазори бу йил 327 гектарга етказилди. Шундан 15 гектардагиси бу йил шамолоқ-шамолоқ олма қилди. 40 гектар ердаги узумзорнинг 36 гектардаги ҳосилини эплаб бўлмай қолди. Энг муҳими, бу йил 1103 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди.

— Колхоз бу йил ҳар гектар ердан 25 центнердан пахта топшириш мажбуриятини олган, — дейди Довидбеков. — Аммо ғўзаларни кўрсангиз 30 центнердан ҳосил кўтариш ҳеч гап эмаслигини англайсиз.

Ҳозир колхознинг 10 та пахтачилик бригадаси олдинма-кейин йиллик планини бажараётибди. 3, 4, 5 ва 10- бригадалар шундай бригадалардан. Колхознинг бу қалдирғоч бригадалари шу кунларда мажбурият ҳисобига пахта топширяпти.

3-бригадага коммунист Ҳаво Дибердиева раҳбарлик қилади. 92 гектар майдонда пахтадан катта ҳосил етиштирган бу бригада йиллик планини 22 сентябрда бажарди. Шундан бери мажбурият ҳисобига пахта топшириб келади.

— Биз шу кунгача ҳар гектар ердан 29 центнердан пахта топширдик, — дейди бригада бошлиги. — Съездгача 35 центнердан топширамиз. Улуғ Октябрь байрамигача ҳамма ерларимизни шудгордан чиқарамиз.

Бригадада ишлаётган 50 кишининг кўпчилиги кўпмингкилограммчи. С. Бегматова, М. Отаева, И. Сиддиқова, Т. Қўқонбоева каби комсомол ва ёшлар мавсумда 10 тоннадан 12 тоннагача пахта теришга ваъда берган бўлсалар, шу кунгача 4-6 тоннага етказиб қўйдилар.

4- бригадада ҳам иш қизғин. КПСС аъзоси Лола Алматова кўпмингкилограммчиларнинг олдида боради. У ҳар куни 200-220 килограмм пахта теради. Унинг дугоналари М. Омилбоева, Ҳ. Ризқибоева ва бошқалар кунига 150-170 килограммдан пахта термоқдалар.

Бригаданинг 3 тонна пахтаси бир процент бўлади. Кейинги кунларда бригада 4 ва 5 процентдан пахта топшира бошлади. Бу ишда бригададаги 29 кишининг ҳиссаси бўлиши билан бирга, Паркент сельпосидан келган 12, электростсетдан келган 15, район сув хўжалиги системасидан келган 40 кишининг ҳам ҳиссаси бор. Сув хўжалиги ходимларидан КПСС аъзолари Тўйчи Еров 1060 килограмм, Барот Саятов 1100 килограмм пахта терди. Бу ўртоқлар яна бир тоннадан пахта териб беришга ваъда қилдилар.

Бригадаларда кишиларнинг бир ёқадан бош чиқарганлиги натижасида иш қизиб кетди, мусобақа мавж урди. Колхоз бундан илгариги 3,76 — 3,99 процент ўрнига 4-4,5 процент ва ундан ошириб пахта топшира бошлади.

— Колхозимиз 6 октябрь куни йиллик планини бажариши керак, — дейди колхоз раиси ўртоқ Нишонбоев.

Райондаги бошқа колхозларда ҳам коммунистлар йиғим-теримда бош-қош бўлмоқдалар. Йиллик пахта тайёрлаш планини районда биринчи бўлиб бажарган «Ўзбекистон» колхозида 43 коммунист. йиллик планини иккинчи бўлиб бажарган «Политотдел» колхозида 45 коммунист йиғим-теримда актив иштирок этиб, ҳаммага намуна бўлмоқда.

Юқори Чирчиқ районининг меҳнаткашлари каноп пояси етиштиришда катта муваффақиятга эришдилар. Ҳозиргача давлатга пландаги 79 минг ўрнига 100 минг тонна каноп пояси сотилди. Узумчиликда ҳам худди шундай ажойиб ғалаба қўлга киритилди. 12-совхоз, «Гулистон», «Коммуна» колхозлари йиллик планини бажариб бўлиб, мажбурият ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Район колхозлари бу йилги ҳосилни тўлалигича йиғиб-териб олиш учун курашиш билан бирга, келгуси йил ҳосилига ҳам замин тайёрлаяпти. Ҳозир районда 12 минг 667 гектар экин майдони шудгор қилиб қўйилди, 4265 гектар ерга кузги ғалла экилди.

Районнинг шу кеча-кундуздаги вазифаси тезроқ йиллик пахта тайёрлаш планини бажариш ва шундан кейин мажбурият изидан от қамчилаш! Юқори Чирчиқликлар ўз сўзларининг устидан чиқадилар. Колхоз партия ташкилотларининг олиб бораётган қизғин иши, далаларда теримчиларнинг кўпайиб бориши, суръатга қўшилаётган суръат, ниҳоят, район меҳнаткашларининг зўр азми бунга ёрқин гувоҳ!

Ориф ЮНУС,
«Қизил Ўзбекистон» мухбири.
Тошкент область.
Юқори Чирчиқ райони.

ПАРТИЯНИНГ XXII СЪЕЗДИНИ МУНОСИБ КУТИБ ОЛИШ УЧУН БИЗ ИШНИ ШУНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИШИМИЗ ЗАРУРКИ, ТОКИ СЪЕЗД ОЧИЛАДИГАН КУНГАЧА РЕСПУБЛИКА КУНИГА ЎРТА ҲИСОБДА ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ 2-2,5 ПРОЦЕНТИ МИҚДОРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАСИН. БАРЧА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ БУТУН КУЧ-ҒАЙРАТИНИ АНА ШУ ВАЗИФАНИ БАЖАРИШГА ҚАРАТИШ КЕРАК.

□ □

ПАХТАКОРЛАРНИНГ ҚАҲРАМОНОНА МЕҲНАТИ БИЛАН ЕТИШТИРИЛГАН МЎЛ ҲОСИЛНИНГ ТАҚДИРИ, ЭНГ БИРИНЧИ ИНТЕРНАЦИОНАЛ БУРЧИМИЗНИ БАЖАРИШНИНГ ТАҚДИРИ ҲАЛ ҚИЛИНАЁТГАН ШУ КЕЧА-КУНДУЗДА ҲЕЧ КИМ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИ ВА УНИ ТАЙЁРЛАШДАН ЧЕТДА ҚОЛИШИ МУМКИН ЭМАС.



БУХОРО области. Ғиждувон районидаги механик-ҳайдовчилар курсини 52 қиз-жувон тамомлаб чиқди. СУРАТДА: Шофрикон район колхозларидан келиб ўқиб механизатор бўлиб етишган қизлардан бир группаси.

Ш. Мўминов фотоси (ЎзТАГ фотохроникаси)

ҚИСҚА СИГНАЛЛАР

Пахта йиғим-терими даврида болали оналарга шароит яратиб бериш муҳим иш. Лекин Поп районидаги «Коммунизм» колхозида бунга етарли аҳамият берилмайди. Туман участкасидаги болалар боғчаси талабга жавоб бермайди. Боғчага ҳар куни белгиланган 30 бола ўрнига 10-12 бола қатнайди. Боғча мудири Ю. Жалилова эса келмаган болалар учун ҳам колхоздан озиқ-овқат маҳсулоти олаберади.

Й. УЗОҚОВ,
колхозчи.

* * *

Нима бўлди-ю, Самарқанд районидаги «Боғизоғон» совхози марказидаги аптека эшигига катта қулф солиб қўйилди. Маълум бўлишича, район санитария инспекциясининг бош врачи М. Аюпов келибди-ю, қандайдир сабаблар билан аптекани қулфлаб кетибди. Мана, бир неча ойдан бери дори-дармон учун келган меҳнаткашлар сарсон.

Аптека қачон очилади?

О. ЭРГАШЕВ.

ТОНГИ КАРВОНЛАР

Баҳор тонг отаридан қилинган ҳалол меҳнат
Қуёшдек юзин очиб кўрсатди жамолини.
Элимиз айтганидек, меҳнатнинг таги роҳат,
Кўриб кўзлар кувнайди пахтакор камолини.

Теримчи қочинларни ишда чаққон кўрамиз
Онахон ўлкамизнинг бепоён даласида.
Шодиёна меҳнатнинг гаштин биз ҳам сурамиз,
Шеърга илҳом оламиз қизларнинг ялласидан.

Пахта — ўзбек элининг нафтихори, обрўси,
Миллионларнинг тақдири қўлингизда,
дўстларим.

Кўркам қишлоқ бағрида ҳаёт илиқ нафаси,
Пўрсиллайди чаноқлар йўлингизда, дўстларим.

Механик-ҳайдовчилар, сўзингизни сўз билиб,
Миллион тонналар-чун маҳкам тутасиз белни.
Ҳосил хирмонларига зафар ила интилиб,
Шарафли меҳнат билан севинтирасиз элни.

Далаларга файз кирди очилиб оппоқ чаноқ,
Меҳр тўла меҳнатнинг янги гавҳар ҳосили.
Майдонда мард пахтакор, пешонаси кенг, порлоқ
Ҳар тонги карвон билан қувонади соф дили.

Юсуфжон ҲАМДАМ.

ПАХТАКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Ўзбек давлат эстрада театри санъаткорлари йиғим-терим авж олган шу долзарб кунларда пахта далалари қаҳрамонларига янги ва қизиқарли программаларда концертлар кўрсатиб, теримчи колхозчиларнинг маданий ҳамда кўнгилли дам олишларига яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Театрнинг Ж. Бекжонов, А. Отабеков ва М. Халилов ўртоқлар бошлиқ концерт бригадалари шу кунларда республикамизнинг Сурхондарё, Бухоро ва Самарқанд областларида бўлиб, пахтакорларга маданий хизмат қилишяпти. Колхоз клублари ва бригада далашийпонларида кўрсатилаётган концерт ва томошаларни теримчилар завқ-шавқ билан кутиб олаётирлар.

Концерт бригадаларининг аъзолари республикада хизмат кўрсатган артист Учқун Ғаниев, Эргашхон Мирмаҳмудова, Қозогистон ССРда хизмат кўрсатган артист Жалол Асимов, солистлардан Зайнаб Полвонова, Жуманазар Бекжонов, Тўхта Рисметова ва бошқалар ижро этаётган ашула, лапар ҳамда сатирик интермедия ва номерлар колхозчи томошабинларни беҳад мамнун қиляпти.

Е. САЛИМОВ.

ГЕКТАРИДАН 40 ЦЕНТНЕР

САМАРҚАНД. Каттақўрғон районидаги Крупская номли колхознинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, коммунист ўртоқ Эрка Нурхонова бошлиқ звеноси 24 гектар ернинг ҳар гектаридан давлатга 40 центнердан пахта топширди. Звено аъзолари КПСС XXII съезди очиладиган кунгача ҳар гектар ердан яна 15 центнердан ҳосил йиғиб, давлатга топширишга аҳд қилдилар. Унинг килограммчи Хосият Шукурова, Назокат Солиева, Ҳилол Жабборова каби чевар теримчилар ҳар куни 180-200 килограммдан юқори сифатли пахта термоқдалар.

Р. САТТОРОВ.

ШАҲРИСАБЗДА СУСТКАШЛИК

Шаҳрисабз — Сурхондарё областининг йирик ва юқори ҳосилли пахтакор районларидан бири ҳисобланади. Район пахтакорлари бу йил мамлакатга 36 минг тонна пахта етказиб бериш мажбуриятини олганлар. Колхозчиларнинг ва механизаторларнинг фидокорона меҳнати туфайли ҳамма майдонларда ана шу мажбуриятнинг муваффақиятли бажарилишини таъминлайдиган даражада мўл ҳосил етиштирилди. Пешқадам колхозлар пахта йиғим-теримини уюшқоқлик билан олиб бормоқдалар.

Қуйбишев номли колхоз правлениеси ишга яроқли ҳамма кучни йиғим-теримга сафарбар этди. Теримчиларнинг унумли ишлашлари учун зарур шарт-шароит яратиб берилди. Далада иссиқ овқат тайёрланмоқда. Партия ташкилоти кўпмингкилограммчилар ҳаракатини тобора кучайтирмоқда, социалистик мусобақага яхши раҳбарлик қилмоқда. Бу эса меҳнат унумдорлигининг тобора ошишига, кундан-кунга кўп пахта териб топширилишига имкон бермоқда. Ҳозир ҳар куни йиллик планнинг 2,5 процента миқдорида пахта тайёрланаётир. Колхоз пахта тайёрлаш йиллик планини 50 процентдан ошириб адо этди. Колхознинг Қувват ота Қодиров, Йўлдош Очилов, Абдулла Дўстов ўртоқлар бошлиқ бригадаларида йиллик планнинг 60-65 процента миқдорида пахта териб топширилди. Колхоз аъзолари андижонлик пахтакорларнинг ташаббусига қўшилиб, пахта тайёрлаш йиллик планини КПСС XXII съезди очиладиган кунгача, социалистик мажбуриятни эса, Улуғ Октябрь байрамигача бажариш учун курашмоқдалар.

Ленин номли колхоз ҳам районнинг пешқадам хўжаликлари қаторида бормоқда. Бу колхоз ҳар куни йиллик планнинг 2-2,5 процента миқдорида пахта териб топширишга муваффақ бўлмоқда.

Райондаги ҳамма колхозларнинг далаларида пахта қийғос очилган. Ишга яроқли барча куч теримга сафарбар этилса, улар ўртасида меҳнат тўғри уюштирилса, кўпмингкилограммчилар ҳаракати кучайтириб юборилса, ҳар куни йиллик планнинг 2,5-3 процента миқдорида пахта тайёрлаш мумкин. Лекин бундай бўлмаяпти. Ҳатто пахта териш ва тайёрлаш юзасидан камайтириб тузилган график ҳам бажарилмаётир.

Графикка мувофиқ районда 9950 колхозчи пахта теришга сафарбар этилиши керак эди. Бунинг ўрнига 6 мингдан сал кўпроқ киши теримда қатнаштирилмоқда. Бунинг устига, кўпгина колхозларда меҳнат интизоми бўшаштириб юборилган. Илғор теримчиларнинг иш тажрибаси оммалаштирилмаётир. Теримчиларга далада маданий-маиший хизмат кўрсатилмаётир. Бу ҳол меҳнат унумдорлигининг пасайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Теримга жалб қилинган колхозчиларнинг фақат ярми кунлик нормани бажаради.

Райондаги Карл Маркс номли, Сталин номли, «Коммунизм», «Партия XX съезди», Хрушчев номли колхозларда аҳвол айниқса ёмон. Бу колхозлар пахта тайёрлаш йиллик планини ҳали 30 процент ҳам бажарганлари йўқ. Энг йирик Карл Маркс номли колхоз ҳар куни йиллик планнинг борйўғи бир ярим процента миқдорида пахта тайёрламоқда. Колхознинг Теша Муҳаммадиев, Тўхта Очилов, Ҳамдам Собиров ўртоқлар бошлиқ бригадаларида кунлик терим графиги 50-60 процент ўртасида бажарилаётир.

Бунинг сабаби — колхозчиларнинг дала ишларига тўла сафарбар этилмаётганлиги ва уларнинг меҳнат унумдорлигини ошириш тадбирлари кўрилмаётганлигидир. Далада шу кунларда 882 колхозчи ишлаши керак бўлса, ҳақиқатда 700-750 колхозчи пахта термоқда. Шундан атиги 300-400 киши кунлик терим нормасини бажаради.

Шаҳрисабзликлар ёз бўйи встойдил меҳнат қилиб, пахтадан ҳар йилдагидан ҳам мўл ҳосил етиштирдилар. Лекин, бу ҳосил ҳали далада, чаноқларда турибди. Район партия ва совет ташкилотлари барча колхозчиларнинг дала ишларига тўла сафарбар этилишини, улар ўртасида меҳнатнинг тўғри уюштирилишини, социалистик мусобақани кучайтириб, ҳар бир теримчининг кундалик нормани тўла бажаришини таъминлаш йўли билан ҳосилнинг тезроқ йиғиштириб олинишига эришишлари керак.

Р. МУРОДОВ,
С. РУСТАМОВ.

РЕСПУБЛИКА ПИЛЛАЧИЛАРИНИНГ КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари КПСС Марказий Комитети январь Пленуми қарорларини бажара бориб янги меҳнат зафарини қўлга киритдилар. Партия XXII съездини муносиб кутиб олиш учун умумхалқ социалистик мусобақасига қўшилган пиллачилар пилла етиштириш йиллик планини 3 октябрда бажардилар. Давлатга бу қимматли хом ашёдан 14.603 тонна сотилди. Пилла териш ва уни топшириш давом этмоқда.

Самарқанд ва Бухоро областларининг пиллачилари тутзорларни ва қаторлаб ўтқазилган тут дарахтларини ўз вақтида суғориб, ипак қуртларини жадал усулда боқиш сингари илғор иш усулини кенг қўлландилар. Шу туфайли улар пилла етиштириш планларини баҳорги қурт боқиш ҳисобигаёқ бажардилар.

Олияхон Султонова, Мушарраф Жўраева ва шунга ўхшаш кўпгина машъал пиллачиларимиз умумхалқ ишига муносиб ҳиссаларини қўшдилар. Улар ҳар қути қурт уруғидан 100 килограммдан ва ундан кўп пилла олишга муваффақ бўлдилар.

Калинин район меҳнаткашлари ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Улар ҳар қути қурт уруғидан 63,7 килограммдан пилла териб олиб, йиллик планни баҳорги қурт боқиш ҳисобигаёқ 113,9 процент қилиб бажардилар. Пискент, Оҳангарон, Оржоникидзе, Учқўрғон, Нориц, Уйчи, Янгиқўрғон, Яккабоғ, Шеробод, Чироқчи, Китоб, Қамаши, Денов, Ангор, Поп, Фрунзе, Амударё ва Кегайли районларининг пиллачилари топшириқларини анча ошириб бажардилар.

Лекин шуни ҳам айтиш кераккки, кўпгина районларда, колхоз ва совхозларда қурт боқиш тут барги анчи қотиб қолгунча чўзилиб кетди, пилла етиштириш плани баҳорги қурт боқиш ҳисобига бажарилмай қолди.

Фарғона ва Андижон областларида ипак қуртларини боқишда жиддий хатоларга йўл қўйилди. Бу областларда ипак қуртлари боқиладиган майдонлар етарли бўлмади, қурт боқишда йирик хўжалик ва бошқа жамоат биноларидан яхши фойдаланилмади, пилла ҳосили камайиб кетди. Ипак қуртлари тор жойларда зич боқилгани устига даста солишга етарли эътибор берилмади. Яхши қуримаган қайрағоч, терак шохлари, ҳатто қоғоз даста қилиб солинди. Бу Фарғона водийсидаги кўпгина хўжаликларда етиштирилган ҳосилнинг нобуд бўлишига сабаб бўлди.

Баҳорда йўл қўйилган хатолар ёзда ва кузда анчагина миқёсда қурт боқиш заруратини туғдирди. Бу йилнинг тажрибаси ишни қайта ташкил этишни, келгуси йил тўғрисида қайғиришни ва бир қанча сира кечиктириб бўлмайдиган муҳим тадбирларни амалга оширишни талаб қилади. Аввало тут дарахтларини, хусусан август ойида боқилган ипак қуртлари учун шохлари кесиб олинган тут дарахтларини алоҳида парвариш қилиш керак. Тут дарахтларининг атрофи ҳозирданоқ ҳамма жойда ковлаб юмшатилиши, қатор қилиб ўтқазилган тут дарахтларининг қатор ораси ва кўчатзорларнинг қатор оралари ҳайдаб қўйилиши лозим. Қишда бу ерларга яхоб бериш, шўр бўлса ернинг шўрини ювиш керак.

Йирик жамоат биноларида, кўп қаватли сўкичакларда ва стандарт сўкичакларда боқиладиган ипак қуртларининг салмоғи камлиги катта камчиликлардан биридир. Шунинг учун ҳам колхоз ва совхозлар бу ишни пайсалга солмай, пиллачиликнинг техника базасини тайёрлаш иши билан шуғулланишлари керак. Етарли миқдорда ёғоч, сим, ипак қуртлари боқиладиган кўп қаватли сўкичаклар қуриш учун зарур бўладиган бошқа материалларни тайёрлаб қўйиш, 1962 йилда камида 40-60 процент ипак қуртларини йирик биноларда боқиш учун биноларни ишлатиладиган асбоб-ускуналарни тахт қилиб қўйиш лозим.

Пиллачиларни моддий жиҳатдан рағбатлантиришнинг катта аҳамияти бор. Қурт боқишда ва тут кўчатларини парвариш қилишда ишлаган колхозчиларга ва совхоз ишчиларига бериладиган ҳақларни ўз вақтида тўлаш, дарҳол ҳисоб-китоб қилиш лозим. Шу билан бирга, барча хўжаликларда келгуси йилда пиллачилар меҳнатини ташкил қилиш ва уларга ҳақ тўлашнинг прогрессив тартибини белгилаб, уни колхозчиларнинг умумий мажлислари ва совхоз ишчиларининг ишлаб чиқариш кенгашларида муҳокама қилиб чиқиш лозим. Пиллачилар қанча пилла топширсалар, қанча ҳақ олишларини яхши билиб олиб, ана шу кўрсаткичларга эришиш учун курашадилар.

Баҳорги қурт боқишга яхши тайёргарлик кўриш етти йилликнинг тўртинчи йили пилла тайёрлаш планининг муваффақиятли бажарилишини таъминлайди.

Н. СТРОЙЧУК,
Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги пиллачилик бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

В. ГУДОШНИКОВ,
бош агроном.



Шеробод районидаги «Янгибод» совхозининг коммунист Холмурод Жўраев бошлиқ 1-бўлими пахтакорлари КПСС XXII съезди шарафига мусобақани қизитиб, йиғим-теримда олдинда бормоқдалар. Илғор теримчилар мавсумда 14-15 тоннадан пахта териш мажбуриятини олиб, хирмонга кунига 150-210 килограммдан пахта тўкмоқдалар. Суратда: (чапдан ўнгга) чевар теримчи Ж. ҚУРБОНОВА билан М. ХЎЖАМУРОДОВА.

В. Боҳидов фотоси.





Суратларда (чапдан ўнгга): 1. Тошкент область, Юқори Чирчиқ районидаги «Ленинский путь» колхозининг 82 яшар соҳибкор боғбони Қодир ота ҚОЗОҚХОНОВ. 2. Тошкентнинг Октябрь районида қурилган янги саноат моллари магазини.

Р. Шамсиддинов ва В. Лейзерович фотолари (ЎзТАГ фотохроникаси).

Оламда нима гап

БМТ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ XVI СЕССИЯСИ

ЯЛПИ МАЖЛИС

НЬЮ-ЙОРК, 2 октябрь. ТАСС мухбири **Л. Пономарев** хабар беради:

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси XVI сессиясининг бугун эрталабки ялпи мажлисида умумий сиёсий мунозара давом этди.

Гвинея Республикасининг ташқи ишлар министри Луи Лансана Беавоги биринчи бўлиб сўзга чиқди. У, халқаро вазиятнинг кескинлашиш хавфи борлигига делегатларнинг эътиборини жалб этди ва Бош Ассамблеянинг XVI сессияси тинчлик сессияси ёки уруш сессияси бўлажаги кўп жиҳатдан Бирлашган Миллатлар Ташкилотига боғлиқ эканлигини алоҳида уқтириб ўтди. Гвинея ташқи ишлар министри Бош Ассамблея ўзининг XVI сессиясида ёппасига ва батамом қуролсизланиш проблемасини ҳеч кечиктириб бўлмайдиган ва дарҳол ҳал этилиши лозим бўлган проблема деб ҳисоблаб, шу ҳақдаги резолюцияни якдиллик билан маъкуллаганлигини эслатиб ўтиб, қуйидагиларни таъкидлади: Ҳозирги вазиятни эътиборга олганда, қуролсизланиш фақат буюк давлатларга тааллуқли масала бўлиши мумкин эмас. Гвинея ташқи ишлар министри ҳарбий блокларда аъзо бўлмаган мамлакатларни ёппасига ва батамом қуролсизланиш ишига қўшадиган ҳиссаларини кўпайтиришга даъват этди. Шу билан бирга у айтдики, қуролсизланиш проблемаси ғоят катта ва жуда муҳим проблема бўлишига қарамай, бу проблемани империализм ва мустамлакачилик проблемасидан ажратган ҳолда тамомила ва узил-кесил ҳал этиш мумкин эмас. Гвинея ташқи ишлар министри мустамлакачиликни қоралаб, бундай деди: илтимос қила бериш даври ўтиб кетган, мустамлака мамлакатлар ва халқларга мустақиллик бериш тўғрисида Бош Ассамблеянинг XV сессиясида қабул қилинган резолюцияни тўла тўкис амалга ошириш керак. Гвинея ташқи ишлар министри, жумладан, Англияга мурожаат қилиб, ҳозирги вақтда деколонизация тўғрисида гапириш кифоя қилмаслигини ва Англия ҳали ҳам ўз ҳукмронлиги остида сақлаб келаётган барча халқларга озодлик бериши зарур эканлигини уқтириб ўтди. У, Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини тиқлаш зарур эканлиги ҳақида гапириб, бундай деди: Қуролсизланиш ҳақидаги музокараларда буюк давлатлар билан бир каторда бетараф мамлакатлар ҳам Хитой Халқ Республикаси ҳам иштирок қилмоғи керак.

Эфиопия делегациясининг бошлиғи Эфиопия ташқи ишлар министри вазифасини бажарувчи Кетема Ифру ҳам Хитой Халқ Республикасининг Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги қонуний ҳуқуқларини тиклаш зарур эканлиги ҳақида гапирди. Эфиопия вакили мустамлакачилик проблемасига тўхталиб айтдики. Африка қитъаси мустамлакачилар ҳукмронлигидан батамом ва узилкесил озод қилиниши керак.

Шундан кейин Ливан ташқи ишлар министрлигининг бош секретари Фуод Аммун сўзга чиқиб, Франция ҳукумати билан Жазоир Республикаси муваққат ҳукумати ўртасида дарҳол музокаралар олиб бориш керак эканлигини айтди. Бу музокараларнинг мақсади, деди у, Жазоирнинг тўла мустақиллигини таъминлашдан иборат бўлмоғи керак. Ливан вакили мустамлакачиликнинг қолдиқларини тамомила тугатиш ва низоли проблемаларнинг ҳаммасини тинч музокаралар олиб бориш йўли билан ҳал этиш керак эканлигини ҳам айтди.

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 12 ЙИЛЛИГИНИ БАЙРАМ ҚИЛИШДА ҚАТНАШАДИГАН СССР ДЕЛЕГАЦИЯСИ

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ва Германия Демократик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, Германия Демократик Республикасининг 12 йиллигини байрам қилишда қатнашиш учун СССР партия-ҳукумат делегацияси Берлинга боради. Делегация составида: КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари А. И. Микоян (делегация бошлиғи), КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзолигига кандидат, СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси М. Г. Первухин, Германиядаги совет қўшинлари группасининг бош қўмондони Совет Иттифоқи маршали И. С. Конев, СССР ташқи ишлар министрининг ўринбосари А. Л. Орлов, Москва шаҳар КПСС Фрунзе район комитетининг биринчи секретари Л. М. Перфиловалар бор.

ЖУРНАЛИСТЛАРНИНГ ХАЛҚАРО УЧРАШУВИ ТУГАДИ

ВАРШАВА, 3 октябрь. (ТАСС). Журналистларнинг Варшавадаги халқаро учрашуви тугади. Бу учрашувда 21 мамлакат матбуотининг вакиллари қатнашди.

Учрашув қатнашчилари Германия проблемасига ва Европадаги хавфсизликка тааллуқли масалаларни муҳокама қилдилар.

Журналистларнинг халқаро учрашувида «Известия»нинг бош редактори А. И. Аджубей, «Правда»нинг бош редактори П. А. Сатюков, Польшадаги «Политика» газетасининг бош редактори М. Раковский, «Нейес Дейчланд» (Германия Демократик Республикаси) газетасининг бош редактори Х. Зиндерманн ва бошқалар нутқ сўзладилар.

СССРДА СОЛИҚЛАРНИ БЕКОР ҚИЛИШНИНГ ИККИНЧИ БОСҚИЧИ

МОСКВА, 2 октябрь. (ТАСС). СССР молия министрининг ўринбосари Ф. А. Урюпин ТАСС мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни айтди:

СССР Олий Совети «Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинадиган солиқларни бекор қилиш тўғрисида»ги Қонунни тасдиқлаганидан бери бир йилдан сал кўпроқ вақт ўтди. Бу Қонунда даромад солиғини ҳамда СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали гражданларидан олинадиган солиқни 1965 йил 1 октябргача аста-секин бекор қилиб бориш, 1965 йил 1 октябрдан бошлаб эса тамомила тўхтатиш кўзда тутилади.

Мамлакатимизда солиқларнинг бекор қилиниши — социалистик хўжалик системасининг капиталистик хўжалик системасидан устунлигини исботловчи ёрқин далилдир.

Бундай шарт-шароит СССР да социализм қурилишида, айниқса кейинги йилларда эришилган катта муваффақиятлар туфайли вужудга келди.

Саноатимиз шундай суръатлар билан ривожланмоқдаки, бирорта ҳам капиталистик давлатда бундай суръатлар йўқ. Совет ҳокимияти ўрнатилгандан бери ўтган 42 йил ичида СССРда саноат маҳсулотининг йиллик ўртача ўсиш суръатлари 10.1 процентни ташкил этди, капиталистик дунёда энг тараққий этган мамлакат ҳисобланган Америка Қўшма Штатларида эса 3.3 процентни ташкил этди. Кейинги уч йил ичида бу нисбат СССР фойдасига янада кўпроқ ўзгарди.

Буржуа давлатлари ҳукуматларининг халққа қарши моҳияти аҳолидан олинадиган солиқлар масаласида ҳам равшан кўриниб турибди. Совет давлати аҳолидан олинадиган солиқларнинг бекор қилинишини эълон қилиб, ҳозирги кунда буни қатъий амалга ошираётган экан, буржуа давлатлари солиқларни гобора оширмоқдалар. Капитализм даврида солиқлар — давлат учун ҳеч нарса билан алмаштириб бўлмайдиган молиявий базадир.

Империализм даврида буржуа давлатларининг харажатларини қоплаш учун аҳолидан олинадиган солиқларнинг роли айниқса ўсди. АҚШ бюджетида солиқ тушумлари кейинги 20 йил ичида 8 баравар, Англия бюджетида эса 5.5 баравар кўпайди. АҚШ федерал бюджетининг даромад қисмида аҳолидан олинадиган даромад солиғининг салмоғи ҳозирги вақтда урушдан аввалги даражага нисбатан 2.5 баравардан зиёд ошди.

Мамлакатимиз хўжалигининг барча соҳаларида катта муваффақиятларга эришган, мустаҳкам молияга ва барқарор бюджетга эга бўлган социалистик давлатгина ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқларни бекор қилиш ҳақида қонун қабул қила олиши мумкин бўлди.

Ойига 50 сўмгача иш ҳақи олувчи меҳнаткашлар 1960 йил октябрь ойидан бошлаб асосий иш жойида даромад солиғи ҳамда СССРнинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали гражданларидан олинадиган солиқ тўлашдан озод қилиндилар, ойига 51 сўмдан 60 сўмгача иш ҳақи олувчи ишчи ва хизматчилардан олинадиган солиқлар эса ўрта ҳисобда 40 процент камайтирилган ставкалар бўйича ҳисобланадиган бўлди.

Солиқларни бекор қилишнинг биринчи босқичини амалга ошириш натижасида юқорида кўрсатилган меҳнаткашлар группасининг қўлига оладиган иш ҳақи янги пул билан 360 миллион сўм кўпайди (бир йилга ҳисоблаганда).

Шу йил октябрь ойида ишчи ва хизматчиларнинг асосий иш жойидаги иш ҳақидан олинадиган солиқларни бекор қилишнинг иккинчи босқичи амалга оширила бошлади.

Ойига 60 сўмгача бўлган иш ҳақидан даромад солиғи ҳамда СССР нинг бўйдоқ, ёлғиз ва кам оилали гражданларидан олинадиган солиқ шу пайтдан бошлаб бекор қилинади, иш ҳақи ойига 61 сўмдан 70 сўмгача бўлганда улардан солиқлар ўрта ҳисобда 40 процент камайтирилган ставкалар бўйича ҳисобланади.

Иш ҳақидан олинадиган солиқларни бекор қилишнинг иккинчи босқичини амалга ошириш натижасида ишчи ва хизматчилар қандай манфаат кўради?

Даромад солиғини бекор қилиш натижасидагина, ойлик иш ҳақи 60 сўм бўлган ишчи қўлига бир йилда 42 сўм 96 тийин қўшимча пул олади.

Даромад солиғи ставкаларини камайтириш натижасида айрим группадаги ишчи ва хизматчиларнинг қўлига оладиган иш ҳақи қуйидаги миқдорларда кўпаяди:

Иш ҳақи 61 сўм бўлганда даромад солиғи 1961 йил 1 октябргача шу иш ҳақидан олиниб келган 3 сўм 70 тийин ўрнига 45 тийин миқдорида олинади. Иш ҳақи 67 сўм бўлганда солиқ 4 сўм 30 тийин ўрнига 3 сўм 15 тийинни ташкил этади.

Ойига 60 сўмгача бўлган иш ҳақидан солиқлар сентябрь ойи учун иш ҳақи тўланган вақтда охирги марта ушлаб қолиниши лозим.

Ойига 61 сўмдан 70 сўмгача бўлган иш ҳақидан олинадиган солиқларнинг камайтирилган ставкалари 1961 йил октябрь ойи учун тўланадиган иш ҳақини ҳисоблаш вақтида қўлланила бошлайди. Шундай қилиб, агар иш ҳақи ойига икки марта бериладиган бўлса, камайтирилган ставкалар бўйича солиқлар ноябрь ойининг биринчи ярми учун иш ҳақи берган вақтда ушлаб қолинади.

Ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақидан олинадиган солиқларни бекор қилишнинг иккинчи босқичини ўтказиш натижасида ишчи ва хизматчилар қўшимча суратда 400 миллион сўм оладилар (бир йилга ҳисоблаганда).

СССРда аҳолидан олинадиган солиқларнинг бекор қилиниши, — деди суҳбат охирида Ф. А. Урюпин, — партия Программаси проектида белгиланган буюк вазифани, «Совет Иттифоқида ҳар қандай капитализм мамлакатидагига қараганда энг юксак турмуш даражасини таъминлаш» вазифасини амалга ошириш йўлидаги тадбирлардан биридир.

ЦЕЙЛОНЛИК МЕҲМОН

Цейлоннинг атоқли жамоат арбоби, миллий бадиий фондининг президенти М. Випуласара Тхеро Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлгач, 4 октябрда самолетда Тошкентдан юртига жўнаб кетди.

Цейлонлик меҳмон Ўзбекистонда бўлган вақтида Ўзбекистон ССР маданият министри С. М. Муҳамедов томонидан қабул қилинди ва у билан суҳбатлашди, республиканинг етакчи рассомлари билан учрашди. Чет эллик меҳмон республика санъат музейини кўздан кечирди. Тошкентдаги саноат корхоналарига борди, ишчи ва хизматчилар тасвирий санъат асосларини эгаллаётган турли тўгараклар ва рассомлик студияларининг иши билан танишди.

Чет эл мамлакатлари билан дўстлик ва маданий алоқа Ўзбекистон жамиятида М. Випуласара Тхеро шарафига қабул маросими ўтказилди, қабул маросими самимий дўстона вазиятда ўтди. (ЎзТАГ).

Физкультура ва СПОРТ

ДЎСТЛИК МАТЧЛАРИ

Совет Иттифоқи билан чет эллик спортчиларнинг халқаро ва ўртоқлик учрашувлари йилдан-йил ривожланиб бориши. Кейинги бир-икки йил ичида Тошкент шаҳрининг ўзидагина Афғонистон, Албания, Япония, Корея, Хитой, Финляндия, Эфиопия, Гвинея, Куба, Мўғулистон ва бошқа мамлакатлар спортчилари меҳмон бўлиб, кўпгина дўстлик матчлари ўтказдилар. Совет Ўзбекистони пойтахти халқаро масштабдаги мусобақаларнинг йирик марказларидан бири бўлиб қолаётир.

Серқуёш Тошкентга содиқ дўстларимиз — Ҳиндистон ва Мўғулистон мамлакатларининг оғир атлетикачилари ҳам меҳмон бўлиб келишди. Улар бу ерда Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари спортчилари билан штанга кўтариш бўйича дўстлик матчлари ўтказадилар.

— Совет оғир атлетикачиларидан биз кўп нарса ўрганамиз, — дейди Ҳиндистон спортчилари делегацияси бошлиғи, оғир атлетика федерациясининг генерал секретари Гангули Кали. — Улар жаҳонда энг кучли спортчилардир. Тўғрисини айтиш керак, биз бу халқаро матчга ғалаба қозониш иштиёқи билан эмас, балки, дўстларимизнинг спорт техникаси ва маҳоратларини ўрганиш учун келдик.

4 октябрда пойтахтдаги Дзержинский номли маданият уйида штангачиларнинг халқаро дўстлик матчи бошланди. Бугун мусобақа давом этади. Мусобақа қатнашчиларига ажойиб муваффақият ва янги-янги рекордлар тилаймиз.

А. НИЕЗМАТОВ,
Э. МАДРАҲИМОВ.

«ДЕНГИЗ» ЖОСУСЛАРИ ҚУРУҚЛИКДА ҚЎЛГА ТУШИРИЛДИ

Голландиялик «туристлар» Рейдон Эверт (ихтисоси механик) ва Де Яхер Лоу (Голландия савдо флотининг штурмани) шу йил 21 июлдан тортиб 20 августгача Совет Иттифоқи территорияси бўйлаб автомашинада сафар қилиб юрдилар.

Мамлакатимиз йўлларида сафар қилиб юрганда туристларнинг ғалати ҳатти-ҳаракати совет гражданларининг эътиборини жалб этди: «Туристлар» туризм учун тайинланмаган районларга ўтишга бир неча марта уриндилар, туризм билан шуғулланувчи кишиларни сира қизиқтирмаслиги лозим бўлган объектларни яширинча суратга олдилар.

Ҳатто уларга қилинган огоҳлантиришдан кейин ҳам Рейдон ва Де Яхер туристик саёҳатдан жосуслик топшириқларини бажариш учун фойдаланишни давом эттирдилар.

Закарпатье области территориясида Рейдон ва Де Яхер қўлга туширилди. Уларнинг ёнидан жуда кўп фотопленкалар ва разведкачилик характеридаги ёзувлари бўлган қўйин дафтарлари, шунингдек кучли телеобъективлари бўлган фотоаппаратлар, денгиз дурбини ҳамда жосуслар фойдаланган бошқа буюмлар топилди.

Кейинчалик аниқланишича, Голландия разведкасида кўп йиллар хизмат қилган Рейдон бундан илгари Архангельскка, Клайпедага, Вентспилсга ва Совет Иттифоқининг бошқа портларига разведкачилик топшириқлари билан бир неча марта борган.

Де Яхер ҳам Голландия разведкасида хизмат қилган ва катта пул олиш имкониятига қизиқиб, ўз хўжайинларининг разведкачилик мақсадида СССР га сафар қилиш ҳақидаги таклифини қабул қилган.

Голландия разведкаси ўз агентларининг ишончли эканлигига қаноат ҳосил қилиб, НАТО агрессив блокининг разведкачилик маркази билан келишиб, Рейдон ва Де Яхерни СССРга сафар қилишга тайёрлаган.

Хусусий автомашинага эга бўлган Де Яхер ва унинг шериги Рейдон сафар харажатларини қоплаш учун разведкадан анча пул, фотоаппаратлар ва жосуслик қилиш учун зарур бўлган бошқа буюмлар олганлар.

Рейдон ва Де Яхер Чехословакия Социалистик Республикаси ва СССР территориясида мудофаа аҳамиятига эга бўлган ҳар хил объектларни жуда кўп суратга олганлар ва шу объектларнинг характеристикасини батафсил ёзиб борганлар.

Тергов вақтида Рейдон ва Де Яхер ўз жосуслик фаолиятларининг моҳияти ҳақида кенг маълумотлар бердилар ва разведкачилик характеридаги маълумотлар тўплаш билан СССР қонунларига хилоф иш қилганликларига иқрор бўлдилар.

Рейдон ва Де Яхернинг жосуслик ишлари ҳақида давлат хавфсизлик органлари қўлидаги рад этиб бўлмайдиган материаллар асосида улар Украина ССР жиноят қонунларининг 57-моддасига мувофиқ судга бериладилар.

ССР Иттифоқи Ташқи ишлар министрлиги Голландия разведкасининг туризмдан СССРга қарши жосуслик мақсадларида фойдаланаётганлиги муносабати билан Нидерландиянинг Москвадаги элчихонасига порозилик билдирганлиги тўғрисида бундан илгари хабар берилган эди.

СССР Ташқи ишлар министрлиги Голландиянинг разведкачи органлари НАТО агрессив блоки томонидан СССРга қарши жосуслик — кўпорувчилик ишлари олиб бориш учун фойдаланилаётганлигига Нидерландия элчихонасининг эътиборини қаратди.

СУД ЗАЛИДАН

«ҚЎЛ БОЛА» КОМПОТ

Оржоникидзе район маглубот жамиятига қарашли Киров сельпосининг штатсиз тайёрловчилари Авнер Алишаев билан Мушьяк Юсуповларга қуруқ мева тайёрлаш учун катта суммада пул ишониб бериб қўйилди. Лекин ўз иззат, обрўсини сариқ чақачалик кўрмаган бу молпарастлар тўғри йўлни қўйиб, қинғир йўлга кириб кетдилар.

— Мушьяк! Пулдан пул ясасак нима дейсан, — деди Алишаев кунларнинг бирида. Бу гап Мушьяк Юсуповга ҳам ёғдек ёқиб тушди. Улар Калинин район общепитининг склад мудири Александр Қандинов, Тўйтепа сельпосига қарашли магазин директори Рубен Рубинов ва Янгийўл шаҳар коопторгининг директори Раҳмонали Раҳимов билан тил бириктириб чайқовчилик йўлига ўтиб олдилар.

Бунда Тошкент шаҳридаги Полтерацкий кўчасида Киров сельпоси учун деб Юсупов ижарага олган уй қўл келди. Бу уйга давлат пулига ташкилот ва шахсий кишилардан арзон нархда сотиб олинган қуруқ мевалар олиб келиб тўкилар ва «қўл бола» компотлар тайёрланиб Янгийўлга олиб келинар эди. Сўнгра контейнерларга ортилиб, Янгийўл коопторги номидан комиссион нархларда Свердлов областидаги Дегтяр озиқ-овқат таъминотига жўнатилди. Пулга тузоқ қўйган бу очкўзлар бўйидангина уриб қолмай, энидан ҳам урганлар. «Қўл бола» компотнинг нархини оширишдан ташқари сифатини ҳам пасайтирганлар. Жумладан, компотга қўшилиши лозим бўлган олча ва майиз бошқа хил арзон мевалар билан алмаштирилган.

Шу йўл билан Алишаев, Юсупов, Қандинов ва Рубиновлар томонидан тайёрланган 9915 килограмм қуруқ компот Янгийўл коопторги томонидан тайёрланган қалбаки ҳужжатлар ёрдамида Свердлов областига жўнатилган. Бунинг эвазига фирибгарлар Янгийўл шаҳар коопторги кассасидан эски пул ҳисобида 122.940 сўм пулни олиб чўнтакка урганлар.

Тошкент область суди бу фирибгарлар ишини кўрди. Ўз мансабидан фойдаланиб, чайқовчилик билан шуғулланганликлари ва давлат маблағини ўзлаштириб юборганликлари учун А. И. Алишаев ва Р. Раҳимовларни 10 йилдан озодликдан маҳрум этиш ва мол-мулкини мусодара қилишга, А. М. Қандинов, Р. Д. Рубинов ва М. А. Юсуповларни 7 йилдан озодликдан маҳрум қилишга ва мол-мулкларини мусодара қилишга, қалбаки ҳужжатларни тайёрлашда ёрдам бергани учун Янгийўл коопторгининг штатсиз тайёрловчиси Афанасий Шекни уч йил озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинди.

К. ЮМАЕВА.

ЭЪЛОНЛАР. ТОМОШАЛАР.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

5 ОКТЯБРДА

18.00 — **Спорт эшиттириши**, 19.45 — **КПСС XXII съезди шарафига** (саноат ходимлари учун ўзбек тилида), 20.00 — **Сибирь руда конларида** (киноҳикоя), 20.20 — **Телевизион янгиликлар**, 20.40 — **Киножурнал**, 20.50 — **Хайр, каптарлар** номли бадиий фильм (ўзбек тилида).

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/X да **Травиата**, 6/X да **Маскарад**.

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/X да **Гамлет**, 6/X да **Алишер Навоий**.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 5/X да **Фарғона ҳикояси**, 6/X да **Ғазал фожиаси**.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 7, 11, 12/X да **Катта концертлар**. Билетлар сотилмоқда.

КИНО

ҚИШКИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Темирчи байроғи — «ВАТАН» (кундуз ва кечқурун).

Довон — «МИР», «ДРУЖБА» (2-залда), «ЕШ ГВАРДИЯ» (кундуз ва кечқурун).

Оғир соатда — НАВОИЙ номли, «ИСКРА» (1 ва 2-залда), «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «СПУТНИК» (жуфт соатларда).

Ҳазили йўқ — «ИСКРА» (3-залда кундуз ва кечқурун).

Хуш келибсан — «ЕШ ГВАРДИЯ» (кеч соат 8-20 ва 10-10 минутда).

Насриддин Хўжандда — «СПУТНИК» (тоқ соатларда).

Эски Березовканинг тугаши — «ДРУЖБА» (1-залда кундуз ва кечқурун).

Мен яшайдиган уй — КИНОЛЕКТОРИЙ.

ЕЗГИ КИНОТЕАТРЛАРДА:

Биринчи сабоқ — «ВАТАН», СТЕПАН РАЗИН номли.

Севги учрашуви — ПУШКИН номли (кеч соат 9 да), НАВОИЙ номли.

Темирчи байроғи — «ФЕСТИВАЛЬ».

Ҳазили йўқ (кеч соат 8 да), **Хуш келибсан** (кеч 9-45 минутда) — КАФАНОВ номли.

Довон — «ХЕВА».

Фуртуна — ПУШКИН номли (кеч соат 7 яримда).

Рим каникуллари — «УДАРНИК».

Венециялик мавр — «РАКЕТА».

Аср бошларида — «ПОБЕДА».

Берлин романи — «ШАРҚ».

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

5, 6 октябрда

ИНДОНЕЗИЯ АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТЛАРИ

Программада: Ява, Суматра халқлари ва Индонезиянинг бошқа оролларидаги халқларнинг қўшиқ, раҳс ва музикаси.

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар сотилмоқда.

ЭСТРАДА ТЕАТРИДА

6 октябрда

ЎЗБЕКИСТОН ЭСТРАДА ОРКЕСТРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Бутуниттифоқ ёшлар ва студентлар фестивали лауреати **Ботир Зокиров**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист **Учқун Ғаниев**, солистлардан **Луиза Зокирова, Эдуард Сумароков, Навфал Зокиров, Куйкаб Алиева, Ғулом Тожиаълоев, Владимир Гилевичлар** қатнашади.

Концерт кеч соат 7 яримда бошланади. Касса кундуз соат 2 дан очилади.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА

Бугун ва ҳар куни

ГРУЗИН ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛИ

Грузия ССРда хизмат кўрсатган артистлар **Агдгомелашвили, Лалашвили, Дадешкелианилар** қатнашади.

Коллективнинг раҳбари — Грузия ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби **Канчели**.

Томоша кеч соат 7 яримда бошланади. Билетлар сотилмоқда.

«Узбекэнерго» қарамоғидаги

«ЭНЕРГОСБЫТ»

ЭЛЕКТРДАН ФОЙДАЛАНУВЧИЛАРДАН

уйлар ташқарисидаги, ҳовли ва кўчалардаги

электр лампаларини

кун ёриши биланок

ўчиришни сўрайди

Ташқи чироқлардан кундуз кунлари фойдаланган тақдирда, электр энергияси бериш огоҳ қилмасдан тўхтатилиши мумкин.

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИНФОРМАЦИЯСИ ВА ПРОПАГАНДАСИ ИНСТИТУТИ ТОМОНИДАН НАШР ЭТИЛАДИГАН

ИЛМИЙ-ТЕХНИКА ИНФОРМАЦИЯСИ БЮЛЛЕТЕНЛАРИ (ЖУРНАЛЛАРИ)ГА

1962 ЙИЛ УЧУН

обуна қилиш бошланди

Ўзбек тилида чиқадиган

«ЯНГИ ТЕХНИКА»

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетининг органи. Редакция телефони 34-520.

Бир йилда 12 марта чиқади.

Обуна баҳоси: бир йилга — 3 сўм 60 тийин, бир ойга — 30 тийин.

Бу бюллетень саноат, транспорт, алоқа, қурилиш ва пахтачиликни механизациялаш соҳасида ватанимиздаги ҳамда чет элдаги фан ва техника ютуқларини, ишлаб чиқариш новаторларининг тажрибасини ёритади.

Рус тилида чиқадиган

«МЕХАНИЗАЦИЯ ХЛОПКОВОДСТВА»

(«Пахтачиликни механизациялаш»)

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетининг органи. Редакция телефони 29-284.

Бир йилда 12 марта чиқади.

Обуна баҳоси: бир йилга — 3 сўм 60 тийин, бир ойга — 30 тийин.

Бу бюллетень ишлаб чиқаришни конструкциялаш, колхоз ва совхозларда пахтачиликни комплекс механизациялашга оид янги техникани синаш ва фойдаланиш масалаларини, новаторлар тажрибасини ёритади.

Рус тилида чиқадиган

«ХЛОПКОВАЯ ПРОМЫШЛЕННОСТЬ»

(«Пахта саноати»)

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетининг органи. Редакция телефони 29-284.

Бир йилда 4 марта чиқади.

Обуна баҳоси: бир йилга 1 сўм 20 тийин, айрим сони — 30 тийин.

Бу бюллетень пахта тозалаш саноатида янги техника ва илғор технология, ишлаб чиқариш процессларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш масалаларини новаторлар тажрибасини ёритади.

Рус тилида чиқадиган

«ШЕЛК»

(«Ипак»)

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетининг органи. Редакция телефони 29-284.

Бир йилда 4 марта чиқади.

Обуна баҳоси: бир йилга — 1 сўм 20 тийин, айрим сони — 30 тийин.

Бу бюллетень тутчилик, ипак қурти биологияси, селекцияси, ипак қурти уруғчилиги, ипак қурти боқиш, пилла тайёрлаш ва дастлабки ишлаш, пилла ўраш масалаларини, новаторлар тажрибасини ёритади.

Рус тилида чиқадиган

«СТРОИТЕЛЬСТВО И АРХИТЕКТУРА УЗБЕКИСТАНА»

(«Ўзбекистон қурилиши ва архитектураси»)

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Илмий-тадқиқот ишларини координациялаш давлат комитетининг органи. Редакция телефони 29-284.

Бир йилда 6 марта чиқади.

Обуна баҳоси: бир йилга — 1 сўм 80 тийин, айрим сони — 30 тийин.

Бу бюллетень қурилишни индустриалаштириш, тезлаштириш, таннархини камайтириш, шаҳарлар қурилиши, коммунал хўжалик, шаҳар ва қишлоқларни обод қилиш масалаларини, қурилиш ва архитектурада фан ва техниканинг энг янги ютуқларини, новаторлар тажрибасини ёритади.

Илмий-техника информацияси бюллетенлари инженер-техник ходимларга, саноат ва қишлоқ хўжалиги новаторлари, илмий тадқиқот муассасалари ва лойиҳа-конструкторлик бюроларининг ходимлари, олий ўқув юртлари ва техникумлари ўқитувчилари ҳамда юқори курс студентлари, партия ва совет активларига мўлжаллангандир.

Обуна Ўзбекистон ССРдаги «Союзпечать» бўлимлари, алоқа район конторалари, бўлимлари ва агентликларида қабул қилинади.

Бошқа республикаларда яшовчилар обуна бўлиш учун: Тошкент шаҳар, К. Маркс кўчаси 25-уйдаги «Союзпечать» шаҳар бўлимига мурожаат қиладилар ва обуна ҳақини Госбанкнинг Тошкент шаҳар бошқармасидаги 42613-расчёт счётига ўтказадилар.

Институтнинг адреси: Тошкент шаҳар, Сталин кўчаси, 29- уй.

БИЗНИНГ АДРЕСИМИЗ: ТОШКЕНТ «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ 26 УЙ

КОММУТАТОР — 26334 33262. Редакция бўлимларининг телефонлари: Партия турмуши — 33469 Пропаганда — 34780 Саноат ва транспорт — 27604. Совет қурилиши — 34780 Қишлоқ хўжалиги — 31226 Адабиёт ва санъат — 32036 Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 34524 Маҳаллий ахборот — 32347. Оммавий ишлар ва хатлар — 29005 Секретариат — 34455. Эълонлар — 28142.

«Қизил Ўзбекистон» «Правда Востока» ва «Ўзбекистони Сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри

Р 01114. Нашр. Б. 234